

ТАБИАТ ҲАЁТ МАНБАИ

Тошкент темир йўл муҳандислари институти ҳамда Тошкент темир йўл транспорти касб-хунара коллежида «Табиат — ҳаёт манбаи» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти темир йўл минтақавий ташкилоти ҳамда «Экосан» халқаро жамоат фонди билан ҳамкорликда ўтказилди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ёшларни она-табиатга муҳаббат руҳида улғайтириш, экологик маданиятни юксалтириш асосий мақсаддир.


— Ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантириш, ёшларнинг маънавий интеллектун дунёсини бойитиш бизнинг вазифамиздир, —

деди Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти темир йўл минтақавий ташкилоти мутахассиси Феруза Орипова. — Ёшларимизни табиатни севиш, атроф-муҳитни асраш, ватанпарварликка ўргатиш мақсадида шу каби тадбирлар ташкил этилади. Тадбирда талаба-ёшларга «Харитага кирмаган сахро» номли ҳужжатли фильм намойиш этилди. Ўзбекистон экологик харитаси, табиатни севиш-қаратилган турли хил плакатлар, «Экология — сало-

матлик» газетаси, экологияга доир турли хил илмий-адабий китоблар тақдим этилди.

Шунингдек, ташкилот Ёшлар маркази ташаббуси билан Республика «Экосан» халқаро жамоат фонди Миробод тумани ҳокимлиги кўмагида инсон саломатлигини тиклашда ташқи экологик омилларнинг ўрни ва табиатдаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган муаммолар бўйича «Анъаналарни тикла — дарраҳт эк» акцияси ўтказилди. Унда коллеж ҳудудида ўқувчи-ёшлар ва педагоглар жамоаси, институт «Камолот» ЁИХ, «Байналмилал» маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари иштирокида юз тугдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Натижада Ёшлар марказининг «Ёш экологлар боғи» ташкил этилди.

Барно МЕЛИКУЛОВА,
«Туркистон-пресс»



Юксак марраларни кўзлаб

Аллергик хасталикларнинг келиб чиқиши ва кечиши бўйича қуйидаги турлари тафовут қилинади.

ва қовоқларнинг қизариб кетишидан, ёруғликка қарай олмаслик, кўздан ёш оқиши ҳолатларидан шикоят қилади. Шу билан бир вақтда қаттиқ танглай, ҳалқум, бурун шиллиқ қавати, кулоқ ичларида қичишиш пайдо бўлади. Беморнинг бурнидан тинмай сув оқиши, тўхтамайдиغان акриши хуружи, бурундан нафас олишнинг қийинлашуви ва ҳатто нафас ололмади қолишигача бориш ҳолатлари кузатилади.

Аллергик касалликларни келтириб чиқарувчи омилларга аллергия деб аталади. Ҳозирги кунда аллергиялогик

бўлган беморда мавсумийлик тақозо этмайди. Хаста бемор қаерда аллергия билан мулоқотда бўлса ўша ерда хасталик хуружи кузатилиши мумкин. Демак, аллергия хасталикнинг кўзики фақатгина фаслга боғлиқ бўлмай, аллергиянинг турига ҳам боғлиқдир.

Аллергик хасталикларнинг барча турларининг давоси бор. Беморлар қанча эрта мутахассис шифокорга мурожаат этсалар шунча тез хасталикдан фориғ бўладилар. Аксарият беморлар икки хил даво муолажасини қабул қиладилар. Демак, хасталикнинг хуруж даврида базис (усткурма) берилса, хасталикнинг тинч даврида эса махсус даво — специфик гипосенсибилизация ўтказилади. Бунда беморга дастлаб аллергиялогик тери синамаси ўтказилади, аллергия аниқланади. Шундан сўнг аниқланган сабабчи аллергияга жуда оз миқдордан бемор

организмига юборилади ва бемор организмда ўта юқори бўлган аллергия сезувчанлик анча камайиб боради. Давонинг ушбу турини бир неча бор, бир йилда бир марта такрорлаш хасталикдан буткул ҳолос бўлишга асос ёхд замин бўлиши мумкин.

Аллергик хасталикнинг хавфли томони шундаки, бунда наслий мойиллик катта ўрин тутди. Агар беморнинг отасида аллергия хасталик бўлса, наслий мойиллик 20-30 фоизни ташкил этади, агар онада аллергия хасталик бўлса, у ҳолда наслий мойиллик 50 фоизга етади. Ҳам отада, ҳам онада аллергия хасталик мавжуд бўлса, у ҳолда наслий мойиллик 70 фоизни ташкил этади.

Кўриниб турибдики, аллергия хасталиклар давр хасталиги экан. Уни нечоғлиқ даволаш ва олдини олиш эса ўзимизга боғлиқ. Шундай экан, ўз соғлиғимизга нисбатан асло бефарқ ва бепарво бўлмайлик.

Кутбиддин НИЗОМОВ,
олий тоифали шифокор
аллерголог

Почта маркаларини мустақил давлатнинг ўзига хос белгиларидан бири, унинг ташриф қоғози дейиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЛАРИ КАТАЛОГИ

Ўзбекистоннинг почта маркаларига кўз югуртирганизда ўзбек халқининг кўп аслик маданияти ва анъаналари, унинг бугунги ва эртанги кунни тасвирга гувоҳ бўласиз.

Бундай нашрлар эндиликда халқаро миқёсда ҳам кенг оммалашди. Улар қатор хорижий мамлакатларда ўтказилган халқаро филателистик кўргазмаларда намойиш этилмоқда. Германиядаги «Миксел» халқаро каталогининг бир бутун туркумидан 57 та почта маркаси ўрин олди.

— Яқинда чоп этилган бу нашр Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларининг миллий меъморчилиги, Хоразмнинг заргарлик буюмлари ҳамда юртимизнинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини акс эттирувчи бадий маркалар ҳисобланади, — дейди «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти дизайнери У.Юсуфалиев. Шунингдек, улар қаторидан Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлганлиги хусусидаги маркалар, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан боғлиқ маркалар ўрин олган. Мумтоз адабиётимизнинг йирик намояндаси Заҳриддин Бобур, атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор каби сўз санъаткорларига бағишланган почта намуналари, Тошкент метрополитени ҳақида ҳикоя қилувчи нашрлар ҳам каталогдан ўрин олди.

Акбар АЛИЕВ

Мутахассис маслаҳати

АЛЛЕРГИК ХАСТАЛИКЛАРДАН САҚЛаниш ЧОРАЛАРИ

клиникаларда аллергияларнинг 150 дан ортиқ турлари қўлланилади.

Поллиноз хасталигини чақирувчи аллергиялар юқорида кўрсатиб ўтилганидек ўсимлик чанги ҳисобланади.

Атопик бронхит астма хасталигини келтириб чиқарувчи маиший аллергиялар қаторига уй чанги ва унинг таркибида бўладиган каначалар, кутубхона чанги, пар ёстиқ пати чанглари, баликларга берилмайдиган овқат маҳсулоти киради. Шунингдек, бир қатор ўсимлик гуллари чанги, уй ҳайвонларини жуни ва қазоқлари атопик бронхит астмани келтириб чиқарувчи аллергиялар ҳисобланади.

Аллергик хасталиклар билан деярли барча ёшдагилар оғриши мумкин. Лекин ачинарли томони шундаки аллергия хасталиклар ёшлар орасида, айниқса болалар ўртасида кўпроқ учрайди.

Энди фасл масаласига келсак, поллиноз хасталигида ўсимлик гуллари чанги катта рол ўйнаб, баҳор ва куз фаслида хасталик кучли клиник белгилар билан юзага чиқса, маиший эпидермал аллергияларга сезувчанлиги

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?
Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми?
Унда шошилиб таваккал қилманг.
Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совришингиз мумкин.

Кўчмас мулк бозорида 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Сизга кўчмас мулк, хусусан ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимизнинг юқори малакали мутахассисларининг (+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85 телефон рақамларига қўнғироқ қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкнингизни оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шакланган ҳақиқий нархлар билан таққослаган ҳолда республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.

Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунийликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади.

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан Сизни, албатта, қувонтиради.

Унутманг! "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ кўчмас мулк бозорида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.

Мурожаат қилинг ва барака топинг!
Лицензия: RR-0001.

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси экология масалалари бўйича Тадбиркорлик субъектлари учун ҳар ойнинг учинчи (21-30) ўн кунлигида «ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ» ўтказилишини ҳамда 277-00-86, 277-75-43 рақамли «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ» ишлаётганлигини МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.